





БЕРДАҚ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 150 ЙИЛЛИГИГА

ХАЛҚ ҚАЛБИНИНГ КУЙЧИСИ

ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТИНИНГ ФАХРИ

Қ. КАМОЛОВ,

Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон область комитетининг биринчи секретари

Қорақалпоқ халқи, серкуёш Ўзбекистон ва бутун мамлакатимиз жамоатчилиги қорақалпоқ адабиётининг асосчиси, Шарининг демократик йўналишидаги йирик шоирларидан бири Қарағбой ўғли Бердақ туғилган кунининг 150 йиллигини кенг нишонламоқда.

Тематикасининг кенглиги, мазмунининг чуқурлиги, меҳнатнаш инсонга қизгин меҳр-муҳаббат билан сугорилган асарларининг мукамаллиги билан Бердақ қорақалпоқ адабиёти тарихида алоҳида ўрин тутди. Қардош адабиётлар классиклари Абай, Махтумқули, Муқимий қозоқ, туркман ва ўзбек адабиёти тарихида қанчалик ўрин тутган бўлишига, Бердақ ҳам қорақалпоқ адабиётида шундай улкан мавқога эгадир.

Шоир, гуманист, мутафаккир Бердақнинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий қадрияти унинг асарларида ўзининг ёрқин ифодасини топди. У социал теорияга қарши позицияда турди, ўзининг қадр-қазобини эксплуататорларга, подшолар ва хонларга сочди:

Яхшининг феъл-и келар,  
Емон ёмонлигин қилар,  
Шаҳзодалар, хону беклар  
Ҳеч адолати бўлмади.

Оташнинг ватанпарварлик, халқига сидқидилдан хизмат қилиши ҳодислари билан сугорилган унинг шеър ва дostonлари билимнинг қунарлимида социалистик маданият равишига хизмат қилмоқда.

Улут Октябрь революциясига қадар Бердақ асарлари нашр қилинмаган бўлса ҳам, улар кўзларимиз тарихида кенг тарқалган, унинг шеърларини халқ ёд биларди.

Матълумки, революцияга қадар Қорақалпоғистонда на матбуот ва на маданий оқартув муассасалари бўлган. Директив чор Россиясининг энг узоқ ва қолоқ ўлкаларидан ҳисобланарди. Мамлакатнинг маданий марказларидан Қорақум ва Қизилқум саҳралари билан тўсилган бу ўлка ҳамма нарсадан маҳрум эди. Худди шунга кўра, ўша вақтларда Бердақнинг ижоди ва доврўи шу ўлкадан ташқарига чиқмади.

Фақат совет замонасидагина, партиямизнинг доно ленинча сийосати тўғрисида оташнинг ватанпарвар мутафаккир, халқ шоири Бердақнинг хизматларига муроис боҳо берилди. Унинг асарлари қўлиниг нусхаларида чоп этилиб, кенг китобхоналарга етказилди.

Совет ҳокимияти йилларида Бердақнинг асарлари қорақалпоқ, рус, ўзбек қозоқ, туркман ва СССР халқларининг бошқа тилларида кўп нусхаларда нашр отилди. Бердақ бизга жуда бой шеърчи ва тарихий дostonларини мерос қилиб қолдирди. Уларда меҳнатнаш омманинг ўтмишидан оғир ҳаёти ва теңсизлиги жуда аниқ ва ҳаққоний акс этган:

Уйда бор етим бошлар,  
Тоғоқ, нон деб зўр йилларлар,  
Юрак-бағрини тигларлар  
Жуда қийин бўлди солиқ.

Бердақ замонасининг қорақалпоқлар чор Россиясининг кам солиқ халқлари орасида энг азуи аҳволда бўлиб, тарихий қисматларининг шафқатсизлигини бошларидан кечириши. Буни шоир «Яхшироқ» шеърисида жуда тўғри ифодалаган:

Қорақалпоқ — халқ бўлгандан,  
Халқ таволи олган кундан,  
Халқ таволи бўл олгандан —  
Бир теңсизлиги олган эмас.

Эз замонасининг атоқли шоири, тарихдан бўлган Бердақ социал теңсизликка қарши кураш олиб борди. Халқ зулм-истидбода қарши, ўз ҳаётини яхшилаш учун кўп бор бош кўтарди. Қорақалпоқ даштларида 1855—1858 йилларда кўтарилган халқ озодлик қўзғолонларида Орол бўйида яшовчи ўзбек, қорақалпоқ қозоқ, туркман халқларининг вакиллари қатнашдилар. Улар Хива хонлигининг истидбоддан қутултишини ўз олдларига мақсад қилиб қўйгандилар. Бу курашда исёнкор халқ ёрдам сураб, бир неча бор Россияга мурожаат қилгани маълум.

Бердақ ана шу курашнинг идеологларидан бири эди. У ўзининг оташ сатрларида халқни эксплуататорларга қарши дaдл курашишга, ёрқин ҳаёт ва инсоний ҳақ-ҳуқуқлар учун бош кўтаришга даъват этди. «Бой-билларда адо-

лат йўқ, фуқарода саодат йўқ» дейди у. Халқнинг озодлик ҳаракатидан илҳомланган шоир «Аҳмоқ подшо» дostonини ёзди. Унда хонларнинг шафқатсизлиги ва бузуқчилигини фош этиб, меҳнатнаш халқни истидбода қарши бош кўтаришга даъват этди.

Хотин-қизлари и т теңлиги ва инсоний ҳуқуқлари учун кураш Бердақ поэзиясининг энг муҳим социал мотивларидан биридир. Ўз асарларида инсоний таҳрирловчи бой-феодалларча муносабатлар ва дин хомийларининг маккорлигига бўйин эгмайдиган жасур аёллар образини яратди. «Аҳмоқ подшо» дostonидаги жасур Гулоӣ, «Рашид» дostonидаги бош қаҳрамон образлари бунга мисол бўла олади.

Шоир ўз асарларида шарият пешволарининг ифлос ишларига чекиз нафратини билдиради:

Холи билмай, эшик тушиб «алла»лар,  
Одамларни алдаб, дoн «олло»лар,  
Суфи, эшон, охун ҳамда мулалар,  
Қўзларимга шайтон қатор кўришди.

Шоирнинг демократик мотивлари ва реалистик ҳаққонийлиги улуг украин кўбчиси Т. Г. Шевченконинг шеъриси билан ҳамоянлигини диққатга сазовордир. Бу ҳол улар ҳаётий мақсадларининг муштарақлигини, меҳнатнаш халқга қизгин меҳр-муҳаббатини ифодалайди. Ҳар икки улуг шоир ҳам Орол соҳилларида — бири сургунда, иккинчиси эса муҳтожликда азоб чекишарди, иккови ҳам ҳаққоний шеърларини ёзишарди.

Қорақалпоғистоннинг 1873 йилда Россияга ихтиёрий равишда қўшилиши, чор ҳокимиятининг мустамлақачлик сиёсатига қарамай, объектив равишда катта прогрессив аҳамиятга эга бўлди. Қорақалпоғистон аста-секин Россиянинг иқтисодий ва маданий ҳаётидан, рус пролетариатининг революцион ҳаракатидан баҳраман бўла борди. Гарчи, Бердақ бу янги воқеанинг аҳамиятини ва истиқболни тўлалигича ҳис этолмаган бўлса-да, ўз диёриси юз бераётган ўзгаришларга ишонч ва ҳайрихоҳлик билан қаради. Шоир рус халқининг қудратли озодлик курашларига ишонар ва буни юксак ҳурмат ҳис-туйғуларига тўлиб-тошган ҳолда ўз асарларида куйларди:

Белини маҳкам боғлаган,  
Ўзини жангга шайлаган,  
Эзу-юртини ўйлаган —  
Эл халқури керак менга.

Шоирнинг маънавий қарши халқлар дўстлиги гоълари билан, инсониятнинг маънавий ютуқларига чуқур муҳаббат билан сугорилганлиги У диний китоблардан нари қочи, «Навоийдан савод очди Фузулийдан дурлар сочди, доноларни излаб, Махтумқулини ўқиди, уларнинг сузларини тавоф қилди».

Бердақ қорақалпоқ адабиётини янги гоълий мазмун билан бойитиб, унга катта маънавий куч бағишлади, халқнинг ёрқин келажакига зўр ишонч билан қаради. Бердақ ижоди шоир ўз тақдирини жонанок халқи тақдирини билан боғлаган, унинг ҳаётий манфаатларига илҳом билан хизмат қилган тақдирларига боғий бўлишларини кўрсатади:

Шоир эдим, кўзим кўрганни ёздим,  
Кўнглимнинг билганини, сезганини ёздим.  
Замон жафосидан саргайдим, оздим,  
Келурми деб яхши куйлар халқ учун.

Бердақнинг ўз замонаси нафас шундай уфуриб турган асарларини ўқиргансиз, ўтмишда умри фақат ҳўрлик билан ўтган, ёруқ кун кўрмаган халқнинг Улуг Октябрь кўшидан баҳраман бўлган бахтиёр турмушига меҳриниз жўшади.

Халқ шоири бахтиёр куйлар албатта келишини башорат қилган эди. Лекин у оғуғни қорақалпоқ халқининг СССР халқлари қардошларига дўстлиги оиласидаги равақини кўз олдига келтиролганми? Жоноанок партиямизнинг доно ленинча миллий сиёсати, улуг рус халқи, ўзбек ва бошқа қардош халқларнинг беғарас ёрдамида қорақалпоқ халқи коммунистик жамият қуришдан иборат умумхалқ ишига ўзининг муроис қўссасини қўшмоқда.

Дўстлик ва навиоронлик диёрин билан Совет Қорақалпоғистони сиёсати таракатий этган, ичилоқ кўнглини барқ уриб ривожлантаётган, иқтисодий ва маданий жиҳатдан камол топаётган диёрга айланди. Қорақалпоқ эди буюк шоирнинг ўлмас асарлари унинг қайта яшарган диёрда ичишларининг янги-янги авлодлари меҳр-муҳаббатини қозониб, барча совет халқларининг бебаҳо мулки бўлиб қолди.



„Навоийдан савод очдим“

Қорақалпоқ халқининг улуг шоири ва мутафаккири Бердақнинг «Илар эдим» шеърисида шундай сатрлар бор:  
Чор китобдан нари қочдим,  
Навоийдан савод очдим,  
Фузулийдан дурлар сочдим,  
Доноларни излар эдим,  
Махтумқулини ўқиганди,  
Айтар эдим ҳар замонда,  
Нўқсон борми, келар, анда,  
Сузи тавоф қилар эдим...

Фирқимизча, бу сатрларда Бердақ Шарқнинг буюк шоирлари асарларини ўқиганини, улардан ўрганганини айтиш билан чекланмайди. Ҳар қандай шоир ўзидан олдин яратилган баъдий эстетик меросни ижодий ўрганиши туриб адабиётда катта шахс сифатида танила олмайди. Бу эрда Белинскиийнинг, бир шоирнинг иккинчисига таъсири, кўш билан ер исбатига ўшаёқ, кўш ўз ирлардан билан ерға исиллик бермайди, аксинча, унинг ўзини исилликни уйғотиб, дeган астойиб фикри яна бир қарра исботланади. Навоий, Фузулий, Махтумқули каби йирик суз санъаткорларининг ижодини билган Бердақ уларнинг энг прогрессив томонларини ижодий ўлаштирди ва ривожлантирди. Шунинг учун ҳам Бердақ ижодида Шарқ поэзиясига хос катор традициялар бўлгани билан, унда бошқаларга назира қилиб ёзилган асарлар йўқ. Жумладан, устоаларнинг номини ўз асарларида тилиб олиш ҳам Шарқ поэзиясининг бир традицияси, радирнинг сақланиши ўш Шарқ поэзиясига хосдир. Шунингдек, Бердақ қардош халқлар адабиётларининг қатор намоёндаларини қабри халқ оғзидан ижод асосида, афсоналар асосида «Шажара» ваган. Бунда туркий халқларнинг асосан ўзбек, қозоқ ва қорақалпоқ халқларининг турлиши, пайдо бўлиши ҳақида қатор қизқарқин афсоналарини айтиди ва бу

Ш О И Р АСАРЛАРИ НАШРИ

Шоирнинг диёрисида унинг ҳаёти ва ижодида бағишланган илмий-назарий конференциялар, адабий кечалар ўтказилмоқда. Қорақалпоғистон нашриётини юбилей муносабати билан Бердақ асарларини ва у ҳақда ёзилган монографияларини нашрдан чиқарди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, филология фанлари доктори И. Сағитовнинг Бердақнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги рисоли рус ва қорақалпоқ тилларида босиб чиқарилди. Шунингдек, «Қорақалпоғистон» нашриётида Бердақнинг бир томлиги, Тошкентда Бердақ лирикани жамлаган китоб чоп қилинмоқда.

БЕРДАҚ АВЛОДИМИЗ

Қорақалпоқ классик шоири Бердақ Қарағбой ўғли Жанубий Орол этакларида туғилди, улғайди, ўсди, ижодий меҳнат қилди. У ўз даврининг ҳаётини, турмушини қандай кўриб ҳис қилган бўлса, шундайлигича ёзиб қолдирди. Унинг шеърлари авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Унинг шеърларини эндиликда катта-кичик ёдан билишди. Суҳбатларда, гурунларда Бердақ шеърларидан ўқиб беришди.

Унинг шеърлари ватанпарварлик, интернационализм, дўстлик, ҳамкорлик, меҳнатга муҳаббат руҳи билан сугорилган. Биз Бердақ шеърларини — унинг асарларини севиб ўрганаемиз.

Унинг «Халқ учун» кўшиқидан:

«Ингит бўлсанг арслон қабр туғилган,  
Ҳамisha сен хизмат эттиг халқ учун,  
Ингит бўлсанг арслон қабр туғилган,  
Ўзини дема, галқурлик кил халқ учун»

деган мисраларда том ятисон билан халқ учун қилнадиған ишларни ҳамма нарсадан устун қуйди. «Яхшироқ» кўшиқида эса:

«Шун ишла, туғилгансан эл учун,  
Жонингни айла, эл эр учун,  
Киндик қони тоғдан азиз эр учун,  
Ўлиб кетганинча хизмат яхшироқ».

Мен бир оддий балчиқман. Бу сатрлар менга азиз. Пахтакорлар ҳам, шолкорлар ҳам, чорвадорлар ҳам, соҳибдорлар ҳам бу сатрларни ардоқлашга иймонман.

А. НАЗАРХОНОВ,  
Мўйноқ районидан «Коммунизм» колхозининг ветеран балчиқсин. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ТЕАТР САХНАСИДА

Қорақалпоқ классик шоири туғилганга 150 йил тўлиши муносабати билан Хўрмат Белигин орденли Сталинский номидан қорақалпоқ давлат музыкали драма ва комедия театрининг ижодий коллективи Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, драматург Жўлмирза Оймирзаевнинг «Бердақ» пьесасини сахналаштирди. Бердақ ролин театрининг танил артистларидан Ўзбекистон ССР халқ артисти Н. Ансатбоев ва Т. Қўчқоровлар ўйнашди.

АЛЛОМА ҲАҚИДА МИРТЕМИР ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

Ҳассос шоир, адиб, публицист Миртемир қардош халқлар адабиётини ҳар тарафлама ўрганар, улкан суз санъаткорлари асарларини моҳирона тарқилига қилар эди. У қорақалпоқ халқининг фахри Бердақ ижоди ва унинг шеърларини китобхоналарга етказиш йўлида тинмай ижодий меҳнат қилди.

Хўрматли газетхонларимизга Миртемирнинг Бердақ ҳақида ёзган қалб сузларини ва шоир шеърларининг тарқилимасидан намуналар ҳавола қилаемиз.

Туғилганига бир эрим аср бўлган ва бутун мамлакатга тўйи ўтаётган Бердақ (Бердимурод Қарағбой ўғли) қардош қорақалпоқ халқининг оти ўлмас улуг шоири ва қорақалпоқ адабиёти пойдеворига гишт қуйган улкан сиймоидир.

У камбағал давҳон хонадонига дунёга келди ва халқ чеккан азобу уқубатларга гўдакликдан шерик бўлди. Қорақалпоқ халқи елкасидаги қошшоқлик, сарғардонлик, фарбилик унга ёт эмас, ҳаммаси унинг ҳам елкасида: ҳаммасини ўз кўзи билан кўрган ва ўз бошидан кечирган эди. Шу-

нинг учун ҳам асарларида ўз таъсирини тоғлиш ўтган аср ҳаёт манзаралари чидаб бўлмаслик даражада оғир, «одола» деб юборғулик аянч, шу билан бирга ишонғулик.

Бердақ ижоди билан мен 1938 йилда Қорақалпоқ борганида (у вақтлар Қорақалпоғистон маркази Тўртқўл шаҳри эди) танишган эдим. Ушанда ардоқлик олим ва улкан келамаклардан Асан оға билан Назим оға менга Ажиниб ва Бердақ асарларидан билиб ўқиб ва «Бўлатов» кўшигини айтиб, ҳайрон эдилар. Кейин мен шеърларининг ёзма нусхалари билан танишдим.

Мен Ажинибдан ва Бердақдан таржима қилиб мабутода элпон этганини ёздимда. Кейин «Кирқиз» билан танишдим. Шу бўлди-ю, қозоғи замон шоирлари Аббос оға, Жўлмирза, Навоўз оға, Хўжабек, Бор-Бора Тиломурод, Иброҳим ижодлари билан танишдим ва улор ижодида таржималар қилдим. Ана шу ижодий боғлини халқни дўстликка айланб келди. Мен Қорақалпоқда тез-тез борадиган бўлдим. Ҳар бордан бир шоир ижоди билан халқимни таништирдим.

«Қорақалпоқ дафтари» ҳам шу йўлчилик ва кутулғ сафар мевалари бўлиб дунёга келди ва бу қорақалпоқ халқига сидқидил қардошлик ифодаси бўлди десам ёлгон эмас.

Қорақалпоқнинг ўтмиш шоирлари ва за-

мондош шоирлари билан қалин дўстлашб кетдим. Уларга кези келганда маслаҳатчи бўлдим. Дўстларим Тошкентга тушганларида ҳамisha менинг ҳовлига келиб кетишадиган бўлди.

Мен ҳам улардан талай маслаҳат олганман ва Баҳраманд бўлганман. «Ойсанамнинг тўйида» дostonининг ёзилишига Асан оға сабабчи бўлди. Шу муноғуғ воқеани ўша табарқур одам йиғлаб-йиғлаб айтиб бергани ёздимда.

Мени Бердақ ижодида етаклаб олиб борган йўл шундоқ.

Бердақ асарлари менинг учун қардош қорақалпоқ халқининг ўтган аср ҳаётини аниқ кўриш мўмкини бўлган бир кўзга бўлди. Ҳар шеъри бир босиқриқ туш ангилган аянч, «хўла» деб олоққа чиқиб кетгүлик даражада дахштли дунё!

Унинг ҳамма шеърлари оғир ҳаёт наҳаларидир. Шу эрда изох бериб ўтай, Бердақ асарлари борган сари янги топилдиклар билан тўлапти.

Бердақ ўзбек тилида бир неча бор нашр бўлди ва тарқалиб кетди. Келинг асрлар оша Ленин замонасига етиб келган улкан санъаткорга ҳурмат юзасидан энглиб салом айтايлик! Бердимурод оға! Сенинг орзуларинг, халқнинг армонлари мене Ленин замонида ўйлағандан юз қатла ёрқинроқ... Асрлар оша яшайвер!

Қандай-қандай бўлди замон,  
Булардан баттар ёмон,  
Фариб-ғасар қолмай омон,  
Ун тилладан келди солиқ

Бун солиқ Нуримбетжон,  
Буюрди деб оталиқ, хон,  
Халқ бўлсик деб,  
хонвайрон,

Ун тилладан келди солиқ,  
Менга не гам, эшагим бор,  
Сотиб бераман бир бозор,  
Аттанг, шўрли оч Эрназар,  
Унга қийин бўлди солиқ,  
Фақирининг ҳеч нарсаси йўқ,

Қошни қорин бўлсайди тўқ,  
Атиги бир тоғуғи йўқ,  
Унга қийин бўлди солиқ,  
Жўна бирден боласи бор,  
Йиғлашди нон деб  
зор-зор,

Қозони қайнамас, ночор,  
Жуда қийин бўлди солиқ,  
Мўхр тутган Баҳоуддин,  
Бизда йўқ қатто қора тийин,  
Нукул оғир бўлди қийин,  
Жуда оғир келди солиқ,  
Анов ётган Палим лаққи,  
Халойиқда борми ҳақиқ!  
Берар эдим унга даққи,  
Дармонини олди солиқ.

Анов юрган Элмурот,  
Тағида ёмон ола от,  
Унга бунчалик салтанат,  
Кичи қон бўлди солиқ,

Мингбоши ҳам мўйлаб  
иқсод тўлаб,  
Одамларни овлаб, овлаб,  
Оч қалқини дoн ёллаб,  
Мадорини чалди солиқ.

У ўтирган Қўлимбет бой,  
Таёқер олдида оппоқ мой,  
Оч халқ юрар тополмай  
жой,

Тўхмат тўло бўлди солиқ,  
Ундирди у оч халқдан,  
Етим йиғлар харобилиқдан,  
Бой омон қолди солиқдан,  
Тўхмат тўло бўлди солиқ.

Анов манч, эмас йироқ,  
Меҳробди ёнар қироқ,  
Қуръон очиб, олар сўроқ,  
Ошоналарга йўқдир солиқ,  
Оч чамбарли улкан отов,  
Ўз олдига бўлиб отов,  
Эрмонхоу турар анов,  
Боёнларга йўқдир солиқ.

Анов юрган Пирим чўлоқ,  
Улғундай экида ва ялоқ,  
Солиқ деса, таяёр шу чоқ,  
Бизга ёмон бўлди солиқ,  
Қошганим йўқ тўғри сўздан,  
Еш тўтамас асно кўздан,  
Сўрасангиз бун биздан,  
Куй беомон бўлди солиқ.

ДЕНГИЗ БАЛИҒИНИ БЕРМАДИ

Қармоқ ташловдми денгизга,  
Денгиз балиғини бермади,  
Оғоз назар солсин бизга,  
Кўз ёшим нега кўрмади!  
Хитой, Қўнғирот билар бўлди,  
Авлиёга бунда тунар бўлди,  
Дўст йиғлаб, ёк кулар бўлди,  
Денгиз балиғини бермади.

Мен боргандим солга тўшиб,  
Сол эмас, не ҳолга тўшиб,  
Алф эдим, долга тўшиб,  
Денгиз балиғини бермади.

Қандай бўлди бу зор замон,  
Элнинг бошда сур тумон,  
Худойим бергай-да омон,  
Денгиз балиғини бермади.

Қандай бўлария ҳолимиз,  
Йўқ-да етқулик молимиз,  
Очларим иқболнимиз,  
Денгиз балиғини бермади.

Қаҳри тошиб, довул турди,  
Агдэр-тўнтэр тўлқин урди,  
Бир аломат замон бўлди,  
Денгиз балиғини бермади.

Эй оғалар, иқбол қўнғай,  
Ҳақ нурига меҳрим қонғай,  
Душманнинг уйлари ёнғай,  
Замон керагим бермади.

Бойда саховат бўлмади,  
Эшонда шафват қолмади,  
Сўлмади, гули сўлмади,  
Тантри тилгани бермади,  
Кетмади кўнглининг доғи,  
Кўприки синди ўтар чоғи,  
Ғариблар кўкармай боғи,  
Денгиз балиғини бермади.

Бердимурод менинг ўзим,  
Елғон эмас айтган сўзим,  
Не аломат кўрди кўзим,  
Тан-жон солғимни бермади.

Юрак бағримни қон этди,  
Золим айрилик-айрилик,  
Кўнглимни кўп айрон этди,  
Золим айрилик-айрилик.

Бошымга тўшди аломат,  
Кутуполмади саломат,  
Кўрсатди бизга қиёмат,  
Золим айрилик-айрилик.

Қўлларим бор, қўлларим бор,  
Кўп уруғлик элларим бор,  
Не бир ёмон йўлларим бор,  
Золим айрилик-айрилик.

Қавму қардош, тўққан билан,  
Дўстлар рози бўлган билан,  
Зарра ваҳм қилган билан  
Емон айрилик-айрилик.

Айриликнинг жабири ёмон,  
Бошда ҳар кун охир замон,  
Дунёга келдимки, бироқ  
Бўлдим айганим менинг.  
Есим танигандан буён  
Борликдан қўнганим менинг!  
Қалам ушлаб, ўпан ёздим,  
Тақсирн этинг, йўлдан оздим,  
Мингдан эмас, юздан ўздим,  
Тинглангиз айтганим менинг.  
Узимда йўқ ошган билим,  
Эмас эдим толиби илм.  
Не ўйласам, сайрар тилим,  
Қаттиқ кетсам, афв этинг.  
Тингла эй, юртим,  
найлайин.  
Тили тортиброқ сўялайин,  
Бу замонда не куйлайин,  
Қийналади жоним менинг.  
Уялайиқ энди, халойиқ,  
Ушбу қолми бизга лойиқ,  
Кўнғилда армоним менинг.  
Бўлмади бизда ҳеч маза,  
Очилмади гуллар тўза,  
Халқ дардини ёза-ёза,  
Қолдики дармоним менинг.

МИРТЕМИР таржималари.

